

Амалиёт

Мавзу:

ХОНАЛАРНИНГ ВА ТАШКИ
ҚУРИЛМАЛАРНИНГ ЭЛЕКТР
ЖИХОЗЛАРИ ҚҰЛЛАНИЛИШИ БҮЙИЧА
ЁҢҒИН, ЁҢҒИН-ПОРТЛАШ ВА
ПОРТЛАШ ХАВФИ БҮЙИЧА
КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Режа:

- 1. Хоналарнинг ва ташқи Қурилмаларнинг
электр жиҳозларининг Қўлланилиши
бўйича ёнғин, ёнғин-портлаш ва портлаш
хавфи бўйича классификацияси.**
- 2. Портлашдан ҳимояланган электр
жиҳозларини танлаш учун портлашга
хавфли аралашмаларни категориялаш.**

Электр ускуналарида ёнғин чиқищ ва портлаш бўлишига қуидагилар асосий сабаб бўлади:

- электр тармоқлардаги, машиналар ва аппаратлардаги қисқа туташувлар;
- ўта юкланиш токлари;
- ўтиш қаршиликлари катта бўлганлиги сабабли ток ўтказувчи қисмлар уланган жойларининг кизиши;
- электр ёйи ва учқунлар;
- электр қабул қилгичлар ёнида қаровсиз қолдирилган ёнувчи материалларниң аланталаниши ва бошқалар.

Портлаш ва ўт чиқишига қарши электр ускуналариға қўйладиган талаблар

- Электр ускуналарида ўт чиқиши ва портлашнинг сабаблари устида мукаммал тўхтаб ўтамиз.
- Ўчиригичлар ва трансформаторлардаги:
 - изоляцияловчи мойлар,
 - изоляцияловчи резина,
 - пластмассалар, локлар,
 - кабелларнинг қофоз ва полиэтилен изоляциялари,
 - генератор ва синхрон компенсаторларни совитиш учун ишлатиладиган ва аккумуляторлар батареясини зарядлаш вақтида ажралиб чиқадиган водород ёнувчи ҳисобланади.

Қисқа туташув сабаблари:

- ток ўтказувчи қисмлар изоляциясининг бузилиши,
- ташқи механик таъсирлар (зарблар, чўзилишлар, эгилишлар ва ҳоказо),
- намланиш,
- сим ва чулғамлар изоляциясига химиявий актив моддаларниң таъсири натижасида вужудга келади.
- Ҳаддан ташқари кўп истеъмолчиларни улаш натижасида тармоқларниң ток билан ўта юкланишидан вужудга келади

- Ўта юкланишга ва Қисқа туташишларга барча ҳолларда йўл Қўймаслик керак,
- Уларнинг олдини олиш учун тармоқларнинг конструктив параметрлари (сим ва кабелларнинг тоифаси, қистирма, симларнинг кесими, тузилиши, машиналар изоляцияларининг синфи ва ҳоказо) электр параметрларига (ток, кучланиш, юкламаларга) МОС келиши керак.
- Электр жиҳозларни кўздан кечириш, таъмирлаш, синашларнинг муддатига ва сифатига (айниқса портлаш ва ўт чиқиши хавфи бўлган хоналар ҳамда ташки ускуналардаги) Қатъий риоя Қилиш керак.

- Электр ёйлар (температураси **3000°C** ва ундан юқори) ва учқунлар коммутацион алмашлаб улаш ёки коммутацион аппаратлар билан ишлашдаги янглиш операциялар, статик электр разрядларда, атмосферавий үта кучланишлар вақтида вужудга келади.
- Ушбу сабабларга кўра ёниб кетишнинг олдини олиш, ёй сўндириш қурилмаси, зарядсизлантиргичлар, ерга улагичлар ишлатилади.
- Портлаш ва ўт чиқиши хавфи бўлган хоналардаги электр жиҳозлардан ва ташқи ускуналардан хавфсиз фойдаланиш шартлари электр ускуналари тузилиш қоидалари (**ЭУТК**)да белгиланган.
- Портлаш хавфи бўлган хоналарда ва ташқи ускуналар яқинида (технологик жиҳоздан 3-5 м масофадаги) портлашдан ҳимоя қилгичлар (**ГОСТ 12.2.020-76**) билан электр жиҳозни ишлатишга рухсат этилади.

Электр қурилмалари ишлатиладиган хона ва зона(ҳудуд)ларнинг портлаш ва ёнғин хавфи бўйича синфланиши

- **B-I** - портлашга хавфли бўлган аралашма оддий, қисқа муддатли иш жараёнида (ускуналарга юклама берганда ва юклама олинганда) ҳосил бўлади.
- **B-Іа** - портлашга хавфли бўлган аралашмалар авария рўй берганда ва жиҳозлар ёки вентиляция қурилмалари бузук шароитда ҳосил бўлиши мумкин.


- **B-I6** - B-Ia дагидек шароитда, бироқ АПКЧ юқори ($>15\%$) лигидан, газнинг ҳиди ўткирлигидан, умумий ҳажмга нисбатай маҳаллий концентрациянинг 5 % дан ошмаслигидан, ёнувчи газларнинг миқдори ва ЕАСнинг (улар билан очик алангадан фойдаланмай ишлаш керак) унча кўп эмаслигидан портлаш хавфи бўлган аралашмалар пайдо бўлиши қийин.
- **B-II** - B-I дагидек, бироқ портлаш хавфи бўлган чанглар учун.
- **B-IIa** - B-Ia дагидек, бироқ портлаш хавфи бўлган чанглар учун.


Чақнаш температураси 61 °С юқори бўлган ёнувчи суюқликлар сақланадиган ёки фойдаланиладиган ва АПКЧ >61 г/м³ бўлган чанг юзага келадиган хоналар ва ташқи қурилмаларда ёнғин хавфи бор деб ҳисобланади. Улар қуйидаги 4 синфга бўлинади:

- **П-I** - ёнувчи суюқликлар (сақланадиган зона).
- **П-II** - аралашмаган ҳолатга ўта олувчи, ўт чиқиш хавфини вужудга келтирувчи (бироқ портлашни эмас) ёнувчи чанглар.
- **П-IIa** аралашмаган ҳолатга ўта олмайдиган ёнувчи қаттиқ моддалар.
- **П-III** ёнувчи суюқликлар ва ёнувчи қаттиқ моддалар ишлатиладиган ёки сақланадиган ташқи қурилмалар.

- Портламайдиган қобиқ (*d* ҳарфи билан белгиланади). Бундай қобиққа эга электр двигатель ёки ёриткичларниң қобиқлари шундай мустаҳкамки, уларниң ичига газлар, буғлар ёки чанглар түшганды портлаш босимиға чидайди, шунингдек портлашни ташқи муҳиттега ўтишига йўл кўймайди.
- Бунинг учун фланецлар орасидаги тирқишлиар (зазорлар) (1-расм) тор тирқишлиар, лабиринтлар кўринишида ишланади. Бу тирқишлиарда аланга ўчади ва портлаш хавфи бўлган атрофдаги муҳитни алангалата олмайди.

1- расм. Портлашдан ҳимояланган электр жиҳозлар алоҳида
қисмларининг туташиш (зазорлар) турлари:
а— ясси, б — лабиринтли, в — резьбали, г — барьерли, д —
цилиндрик, е — конуссимон, ж— комбинацияланган





- 2. «*e*» (*e*) кўринишдаги ҳимоя.** Учқун, қизиш, электр ёйнинг ҳосил бўлиш имконияти бўлмайди; нормал учқунлайдиган қисмлар портлашдан ҳимоя қилиниб тайёрланади,
- 3. Қобиқни мой билан тўлдириш.** Электр жиҳозларнинг ток ўтказувчи қисмлари (изоляциялангандан ташқари) мойга ботирилади ва улар билан портлаш хавфи бўлган муҳит орасида бир-бирига тегиш имконияти бўлмайди.
- 4. Портлашдан ҳимоя қилишнинг маҳсус тури (s).** Ток ўтказувчи қисмлар инерт газлар муҳитига, қўйма смолалар ичига жойлаштирилади.
- 5. Қобиқни кварц билан тўлдириш (*q*).**
- 6. Қобиқни ортиқча босимли ҳаво билан тўлдириш ёки шу ҳаво билан тозалаш (*p*).** Ортиқча босимли тоза ҳаво ёки инерт газ билан тозаланадиган электр жиҳозларда ток ўтказувчи қисмлар берк, ортиқча босим тутиб туриладиган қобикларга жойлаштирлади.

- 7. Учқундан хавфсиз электр занжири (i).** Электр занжирида вужудга келадиган учқунлар энергияси аралашмани алантантириш учун керак бўладиган энергиядан (ўт олдириш энергиясидан) кам бўлганда шундай қилинади.
- яъни, учқунлар портлаш хавфи бўлган муҳитни аланталата олмайди.
 - учқун энергияси электр занжирининг параметрлари (ток, кучланиш, қаршилик, сифим, индуктивлик)га борлик бўлади.
 - Учқун энергияси ўт олдириш энергиясидан ошмаслиги учун зарур жадваллардан электр занжир параметрлари танланади. Учқундан хавфсиз электр жиҳозларини ишлатишда занжирларнинг энг катта рухсат этилган қуввати **2- 60 Вт** ни ташкил этади. Буларга сигнализация, алоқа, масофадан туриб бошқариш занжирлари киради.

- Портлашдан Ҳимоя Қилишнинг (яъни одамларни портлашнинг хавфли ва заарали омилларидан Ҳимоя Қилиш) З даражаси ГОСТ билан белгиланган бўлиб, улар электр жиҳозларнинг алоҳида портлашга хавфсиз даражасини (О белги билан белгиланади);
- портлашга хавфсиз бўлишини (1);
- портлашга Қарши хавфсизлигининг оширилган бўлинишини (2) таъминлаши зарур.
- Портлаш хавфи бўлган ВI ва ВII синфли хоналар учун электр жиҳозлар ва ёриткичларнинг, шу жумладан кўчмаларининг ҳам d , i , s турда тайёрланганлари танланади.
- Портлаш хавфи бўлган бошқа синфдаги хоналар учун портлаш хавфи бўлган аралашма группаси ва категориясига мос Қилиб портлашдан Ҳимоялаган жиҳозлар танланади. Бажарилиш туридан Қатъи назар, электр жиҳозларнинг олинадиган Қисмлари пломбалаб қўйилади.

■ Электр жиҳозларни портлашдан Ҳимоялашни маркалаш Қўйидаги кетма-кетлиқдаги белгиларни ўз ичига олиши керак:

- 1) портлашдан Ҳимоя Қилиш даражаси (0; 1; 2);
- 2) **Ex** белгиси стандартга мос келишини билдиради;
- 3) портлашдан Ҳимоялаш тури (*d, e, o, s, q, p, i*);
- 4) электр жиҳозларнинг группаси ёки кичик группаси (портлаш хавфи бўлган аралашма категориясига мувофиқ **П, ПА, ПВ, ПС**);
- 5) электр жиҳозларнинг температура класси (портлаш хавфи бўлган аралашма группасига мувофиқ **T1, T2, T3, T4, T5, T6**).

- Тоифа бутун (қисмларга бүлинмаган) ҳолда түғри түртбұрчакка жойлаштирилади.
- Масалан, портлашдан Ҳимоя Қилишни тоифалаш

1ExdIIAT3

бу ерда


1- электр жиһоз портлашга хавфсиз;

Ex - стандартта мос келувчи Ҳимоя тури;

d - «портлаймадиган Қобиқ» (d);

IIA - кичик группа;

T3 - температура классини билдиради.



Газ-буғ аралашмаларининг портлаш ҳавфи кўрсаткичлари.

- Газ ва буғларнинг ҳаво билан аралашмаси портлаш ҳавфи бўлган аралашмалар ҳосил қиласи.
- Бу аралашмалар ГОСТ 12.1.011-78 бўйича классификация қилинади.
- Стандарт бўйича газ ва буғларнинг ҳаво билан аралашмалари:
 - ҳавфсиз экспериментал максимал тирқиши (ХЭМТ) қиймати бўйича категорияларга бўлинади (1-жадвал);
 - газ ва буғларнинг ҳаво билан портловчи аралашмаси ўз-ўзидан аллангаланиш температураси бўйича гурӯҳларга бўлинади.

Эслатма: БЭМЗ - ХЭМТ – қобиқ 1 фланецлари орасидаги хавфсиз экспериментал максимал тирқиш 2 бўлиб (1-расм), ҳаводаги ёнувчи модда концентрацияси ҳар қанча миқдорда бўлса ҳам портлаш мазкур тирқиш орқали атроф муҳитга тарқалмайди.

В3Э - ПХЭЖ-портлашдан ҳимояланган электр жиҳоз.

1-жадвал

Портлаш хавфи булган аралашманинг категорияси (В3Э группаси)	БЭМЗ нинг чекли киймати, мм
I.Руда гази (руда В3Э)	1,0 дан юкори
II. Саноат газлари ва бу?лари (ички ва ташки установканинг В3Э си)	
II А	1,0
II В	0,5-0,9
II С	0,5 дан кам

Портлаш хавфи бўлган ҳар қайси аралашмаларнинг категорияси ўз-ўзидан алангаланиш температурасига Қараб қўйидаги 6 та гурӯҳларга бўлинади:


2-жадвал

Портлаш хавфи бўлган аралашма группаси (ПХЭЖ нинг температура синфи)	Чегаравий алангаланиш температураси, °C.
T1	450 дан ю?ори
T2	300
T3	200
T4	135
T5	100
T6	85


- Ёнувчи модда билан ҳаво аралашмасининг портлаш хавфи уларнинг категорияси ва гурӯҳи ортиши билан ошади (ГОСТ 12.1.011—78):
 - метан — I — T1;
 - ацетилен I IC — T5
 - водород — I IC — T1;
 - ва бошқа.

Портлаш хавфи бўлган аралашмаларнинг категориясини
аниқлаш учун Қобиқ схемаси:

1 – Қобиқ; 2- баландлиги δ ва эни 1 бўлган ростланадиган
тирқишли фланецлар;
3 – ўт олдириш (учқун) манбаси.



«Кандай?» (муаммони ечиши) иерархик диаграммаси –



Назорат саволлари

- Электр ускуналарида ёнғин чиқиш ва портлаш бўлишига нималар сабаб бўлади?
- Портлаш ва ўт чиқишга қарши электр ускуналарига қанака талаблар қўйилади?
- Газ-буғ аралашмалар ГОСТ 12.1.011-78 бўйича қанака классификация қилинади?
- ХЭМТ нима?
- ПХЭЖ нима?

Эътиборларингиз учун раҳмат!